

Гулханий (таяллуси; асл исми Мухаммад Шариф) (таяминан 18-асрнинг охири — Кўкон — 19-асрнинг 20-йиллари) — ўзбек мумтоз шоири, масалнавис. Хаёти ва ижоди хакида «Мажмуаи шоирон» (Фазлий Намангоний), «Тухфат ул-ахбоб» (Кори Раҳматуллоҳ Возех), «Сабот ул-башар ва тарихи мухожирон» (Дилшод Отин) каби асарларда айрим маълумотлар келтирилган.

Фазлий Гулханийнинг «Кўхистон мулкидан» эканлигини таъкидласа, Возех уни наманганлик, дейди. Гулханий Наманган ва Кўконда яшаган, оз вакт ҳаммомда ўт ёкувчи — гўлах вазифасида ишлаган (таяллуси шундан). Кўкон хони Амир Олимхон навкарлари сафида хизматда бўлган (1801 — 10). Мустакил мутолаа йўли билан мумтоз адабиётни ўрганган. Олимхон вафотидан (1811) сўнг тахтга ўтирган Амир Умархон (Амирий) Гулханийни сарой шоирлари даврасига жалб этган. Шоир хонни мактаган, унинг газалларига назиралар битган. Умархон вафотидан сўнг ватанига кайтиб, кўпроқ оддий инсонларга манзур бўлувчи шеърлар ёза бошлади. Ўтли хажвлар яратди.

Гулханий ўзбек ва тожик тилларида ижод килган. Бизгача бир неча газали, хажвиялари хамда «Зарбулмасал» («Япалоккуш» хикояси) насрый асари етиб келган. Газалларида лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари, баҳор, реал хаётий манзаралар ўз ифодасини топган («Бармогим», «Эй тўти», «Лола кўксидек багрим...»). «Бидех» (бергил, бер менга) радифли газалида шоир навкарлик давридаги хаётини тасвиrlаган. Бу газалга чукуррок назар ташланса, муаллиф катта ижтимоий масала — ўз даврининг харбий тартиби, расм-руsumлари хакида фикр юритганлигини кузатиш мумкин. Газалида лирик қаҳрамоннинг образи умумлашма образ даражасига кўтарилиган. Гулханий ўзининг зўр истеъдоди, тажрибаси, турмушга ҳакконий карай билиши туфайли ҳалкчил ижодкор сифатида кўринган. Шоирнинг бизга маълум газалларининг айримлари Амирий шеърларига назира тарзида яратилган бўлиб, улар оддий таклидчилик доирасида колмай, баркамол мустакил бадиий асар даражасига кўтарилиган. Гулханийнинг шеърий ижоди, гарчанд, хажман катта бўлмасада, 19-аср ўзбек миллий адабиёти ривожига самарали таъсир кўрсатди.

«Зарбулмасал» нафакат ўзбек мумтоз адабиёти, балки бутун Шарк адабиётининг хам нодир намунасиdir. Гулханий унда ҳалк маколлари (400 га якин макол), сажлар (кофияли наср), масал ва ривоятлардан самарали фойдаланган. Бу масал ва ривоятлар тематик жихатдан бир-бирига багланиб, ягона бир сюжетни ташкил этган. Асарда Япалоккуш билан Бойўглиниң куда-андада бўлиши саргузаштлари мажозий, ўткир хажвия тарзида тасвиrlанган. Гулханий күшларнинг ўзаро мураккаб муносабатлари асосида ўз даври ижтимоий хаётининг танкидий манзарасини яратган.

Гулханий ижодини М. Сале, Фитрат, Б. Каримов, Р. Мукимов, Х. Ёкубов, Ф. Ишоков каби олимлар тадқик этганлар.

Абдурашид Абдугафуров

БАЙТЛАР

Айди: «Ҳалк ичра бу бир қасбдур,
Қасбни бошинга кийсанг насбдур».

* * *

Хар ким одати нечук бўлгай,
Беиродат зухр этар андин.

* * *

Агар сўз жона пайдо килмаса сўз,
Ани сўз демагил, эй мажлисафрўз.

* * *

Сабр ила барча эшиқдур кушод,
Сабр ила эранлар топди мурод.